O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 14-aprel № 46 (3083) shanba



# Биометрик паспорт

**Президентимизнинг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра, юртимизда биометрик паспорт тизими жорий этилмоқда. Айни кунларда Тошкент шаҳрининг барча туманлари ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида биометрик паспорт берилмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туман ИИБ ХЧК ва ФРБда ҳам иш жадал суратларда олиб борилмоқда.**



— Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда, — дейди туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Ўткир Нишонов. — Ҳозирга қадар дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

Республикамизнинг барча ҳудудларида давом этаётган ушбу жараён 2015 йилнинг охирига қадар якунланиши кўзда тутилган.

**Суратларда: фуқарога биометрик паспорт бериш жараёни.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## БУНЁДКОРЛИК

*Мустаҳкам оила йилига мўлжалланган инвестиция дастурига кўра, Деҳқонобод туманидаги Тоғайтемир қишлоғида 360 ўринли саноат касб-ҳунар коллежи биноси, 100 ўринли ётоқхона ҳамда спорт зали қурилиши режалаштирилган эди.*

# ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИГА КЎРА

Айни кунларда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги буюртмаси асосида ушбу объектда бош пудратчи «XXI аср» хусусий фирмаси томонидан бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти.

Қурилишда 63 нафар қурувчи, 7 та махсус техника самарали ишламоқда. Қурилиш суръатини янада жадаллаштириш учун қурувчилар сонини 200 нафарга етказиш кўзда тутилмоқда.

— Замонавий коллеж қурилиши октябр ойида ниҳоясига етади, — дейди фирма иш бошқарувчиси Камол Пардаев. — Бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Қолаверса, меҳнатсевар, аҳил жамоамиз бор. Шабон Абдураҳмонов, Жонибек Умиров, Шодибек Қалқонов, Ғайрат Назаров, Абдухалил Қурбонов, Шоди Боймуродов, Сирожиддин Умиров, Бобомурод Ҳасанов каби қадоқ қўлли қурувчиларимиз, айниқса, фидойилик кўрсатишмоқда.

Билим даргоҳи ишга тушгач, Тоғайтемир ҳамда унинг атрофидаги қишлоқлар ҳудудида жойлашган 10 та мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан қамраб олиш имконияти пайдо бўлади.

**Парда ҲАКИМОВ**

# ТОШКЕНТ — БУХОРО — УРГАНЧ

## йўналишида поездлар қатнай бошлади

*Кейинги икки ой ичида қадим ва навқирон шаҳар номи билан аталадиган Бухоро темирйўл вокзалига келиб-кетадиган поездлар сони яна иккитага кўпайди. Дастлаб «Бухоро — Хўжаавлат» ва «Хўжаавлат — Бухоро» йўналишида шаҳарлараро йўловчи поездлари ҳаракати бошланган бўлса, эндиликда «Тошкент — Бухоро — Урганч» ва «Урганч — Бухоро — Тошкент» йўналишларида ҳам йўловчи ташувчи локомотивлар қатнови йўлга қўйилди.*

«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти Самарқанд филиалига қарашли Бухоро вокзали масъул ходими О.Жалолов бу воқеани қуйидагича шарҳлайди:

— Мамлакатимиз пойтахти, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари аҳолиси, шунингдек, хорижлик меҳмонларнинг тарихий шаҳарлар — Бухоро ва Хивага сафар қилишлари учун қулай имкониятлар яратилди. Ҳаракатланиш жадвали ўта қулай. Масалан, ҳар чоршанба куни эрталаб соат 8 дан 50 дақиқа ўтганда Тошкентдан йўл оладиган 70-сонли поезд соат 17:25 да Бухорога етиб келади. Шу куни соат 21 дан 10 дақиқа ўтганда Урганч сари йўл олган йўловчи пайшанба куни соат 9:00 да манзилига етиб боради.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

*Денов хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида 2397 нафар ўғил-қиз 18 мутахассислик бўйича таълим-тарбия олиб, ҳунар сирларини ўрганмоқда. Ўқувчилардан 180 нафари сартарошлик йўналишини танлаган.*

# КАСБГА ҚИЗИҚИШ

Ўтган йили коллежга давлат гранти бўйича Германиядан сартарошликка оид турли асбоб-анжомлар келтирилиб, махсус хона жиҳозланди. Эркаклар ва аёллар сартарошлик ҳамда косметикаси билан таъминланган устахонада Феруза Абраева машғулот олиб боради.

Бир гуруҳ ёшлар телеаппаратураларни таъмирлаш, радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение воситаларига техник хизмат кўрсатиш касбларини эгаллашмоқда. Улар Жанубий Кореядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида тажрибали педагог Шермуҳаммад Мелиқулов бошчилигида носоз телевизор, радио ва бошқа алоқа воситаларини таъмирлаш бўйича малака ҳосил қилишмоқда. Бу асбоблар билан қўриқлаш идораларида ўрнатилган сигнализация ва алоқа тизимларидаги носозликларни ҳам бартараф этиш мумкин.

Полшадан келтирилган 24 та тикув машинаси бирор кун бўш турмайди. 240 нафар ўқувчи-қиз Назира Абдуалимовадан чеварлик сирларини ўрганмоқда.

— Чет эллардан келтирилган замонавий жиҳозлар ёшларнинг ўрганаётган касбига бўлган қизиқишини янада оширмоқда, — дейди коллеж директори Ш.Элбеков.

# ҚИШЛОҚДА ИШ ЎРИНЛАРИ

*Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди мустақиллик йилларида янада чиройли кўриниш олди, замонавий умумтаълим ўрта мактаблари, «Иқтисодиёт», Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежлари, 5-ТИП спорт мажмуаси, маиший ва савдо шохобчалари қад ростлади. Яқинда вилоят болалар санаторийсининг янги биноси ишга туширилди. Қишлоқларда сервис хизмати кенг йўлга қўйилди.*

Жорий йил ҳам чакки бошланмади. «Ўзбекэнерго» ДАК собиқ «Сурхонпахта» ОАЖ ўрнида трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тўқув фабрикаси бунёд этишга жазм этди. Мавжуд ишлаб чиқариш бинолари реконструкция қилиниб, янги типдаги хориж тўқув машиналари ўрнатилади. Фабриканинг биринчи қисми шу йилнинг декабр ойида битказилади. Иш келгуси йилда ҳам давом этади.

— Корхона фаолият бошласа, ҳудудимиздаги талай йигит-қизлар иш билан таъминланади, — дейди «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пўлат Норбоев.

*Тадбиркор Шодмон Холиёров Жарқўрғон туманидаги «Меҳнат — роҳат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида гузар қурдирди. Ундан маҳалла идораси учун 3 та хона ажратилди. Турли маиший хизмат нуқталари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш цехлари, савдо ва овқатланиш шохобчалари фаолият бошлади.*

# ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ

Бундан ташқари, гузар ёнида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 30 та ( шундан 5 таси қўшқаватли) янги уйларда ёш оилалар истиқомат қилишмоқда.

— Шодмон Холиёров савоб ишларга қўл ураяпти, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чори Боймуродов. — Биз ундан миннатдормиз.

**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири**

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

# ХОДИМЛАР ТАЯНЧИ

Ходимлари учун етарлича шароит яратиш, меҳнат самарадорлигини оширишда жамоа шартномалари муҳим ўрин тутади.

Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасаррруфига кирувчи «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодиёт уйида ўтган йил жамоа шартномаси бажарилиши юзасидан бўлиб ўтган конференция касаба уюшма афзалликларини яна бир бор намоён этди. Унда ижодий уй раҳбари ҳамда касаба уюшма раисининг ҳисоботи тингланди.

Жумладан, «Ўзбекистон» НМИУ касаба уюшма қўмитаси раиси Феруза Миркамолова 2011-2013 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни раҳбарият билан ҳамкорликда бажаришга эришилганини алоҳида таъкидлаб, маданий маърифий ва спорт ишлари, ишчи ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишларни бир-бир санаб ўтди. Ҳисоботдан маълум бўлдики, ишчи-ходимларга ва уларнинг фарзандларига турли байрам тадбирларида бепул чипталар тарқатилган. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан байрам ташкил этилиб, илғор ва фаол ходимларга фахрий ёрлиқлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ходимларга моддий ёрдам ҳамда эсдалик совғалари топширилган. Икки нафар ходимнинг бетоблиги туфайли касаба уюшма ташаббуси билан иш берувчи томонидан моддий ёрдам ажратилган. Эътиборли жиҳати, ҳозирда ана шу ходимлар корхонада жавлон уриб меҳнат қилмоқда.

Йил давомида меҳнаткашларнинг соғлигини тиклаш мақсадида санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ҳамда дори-дармон учун маблағлар ажратилгани, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб қилиш борасида қатор спорт мусобақалари, спартакиадалар ташкил этилгани ҳам таҳсинга лойиқ. Корхонада спорт клуби фаолият кўрсатмоқда.

Конференцияда, шунингдек, 2012 йилда жамоа шартномасига киритилган қўшимчалар ходимлар эътиборига ҳавола этилди ва тасдиқланди.

**Сухроб АКБАРОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИ

*«Дўст бошга, душман оёққа қарайди», дейишади. Бу мақолнинг энг инжа маънолари ҳақида сўз юритишдан йироқдамиз-у, аммо ундаги бир ишорага эътиборингизни қаратсак: соғлиқнинг боши ҳамиша беминнат хизматда бўлган иссиғу совуқдан асровчи бежирим, мустаҳкам пойабзалларда экани бор ҳақиқат. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда саноатнинг мазкур тармоғи — пойабзал ишлаб чиқариш ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага доир имтиёзлар тадбиркорлар учун айни муддао бўлаётир. Сифатли оёқ кийим харид қилиш учун хорижники эмас, айнан "Made in Uzbekistan" ёрлиғи остидаги маҳсулотлар тез-тез сўралаётгани, изланаётганида ҳам шу мантиқийликни кўрамиз. Айниқса, «Ўзбекистон Шанхайи» деган эътирофга муносиб кўрилаётган, қўли гул ҳунармандлар диёри бўлган Намангандаги пойабзал корхоналари довруғи ўзга давлатлар бозорини ҳам ўзиники қилмоқда.*

## НАМАНГАН ПОЙАБЗАЛИ:

# Сифат, дид ва қулайлик

* * *

— Ота касбини давом эттирган йигитнинг рўзғоридан барака аримайди. Шунинг учунми, косиблик билан бизни камолга етказган аждодларим ҳунарини давом эттириш, давом эттирганда ҳам янги анъаналар билан бойитиб, фарзандларимга ўргатишни ният қилгандим, — дейди биз билан суҳбатда уста ҳунарманд Муҳаммадали Расулов.

Устанинг эзгу мақсадлари рўёби ўлароқ вужудга келган «Истиқбол пойабзал савдо» кичик корхонаси маҳсулотларига бугун талаб катта. Бу ерда ишловчи 40 нафардан ортиқ ҳунарманднинг рўзғорида эса тўкислик ҳукмрон. Ҳавас этарли натижаларга эса ўз-ўзидан, осонликча эришилмади. Унинг ғайратидан, ишбилармонлигию ноёб истеъдодидан керагича фойдаланиб, сўнгроқ четга суришганида ҳам кўнгли бироз чўкди-ю, шу яхши кунлар иштиёқида яна олға интилди.

Бир неча йил муқаддам укалари Ҳошимжон, Ҳакимжон, Ҳотамжон билан бир ёқадан бош чиқариб, эркаклар ва болалар учун пойабзал ишлаб чиқарувчи корхонага асос солди. Маҳсулотга ном танлашга келганда, «АМИР»дан муносиброғини топишмади. Буни кийган беклару тўралардек эъзоз топсин, деган ниятни дилларига жо қилганлари учун ҳам ана шу номда тўхтамга келишди. «АМИР» да яна бир сир яширин: қисқартма тўрт авлоддан бери косибликнинг нонини ҳалоллаб еб, элдан олқиш олган ота-боболари исмларининг бош ҳарфи ҳамдир.

— Бозорда талаб ўзгаргани сари косибларнинг маҳсулоти ўтмай қола бошлади. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деганларидек, биргина ҳунарманд эски асбоб-ускуналари билан замонавий жиҳозланган фабрика маҳсулотларига рақобатбардош товар ярата олмайди. Шунга кўра ҳунарнинг кучини даврга мослаб, янги ўзанга солиш кераклигини тушуниб етдим, — дейди корхонанинг илк кунлари ҳақида сўзлаб бераркан Муҳаммадали Расулов. — 35 нафар косибни атрофимизга жамладик, дастгоҳлар сотиб олдик. Очиғи, ўша пайтда бизга ишонмаганлар, ошкора мийиғида кулганлар ҳам бўлди. Минг шукрки, уддаладик. Ҳозир ишчиларимиз сони 40 нафардан ошди, уларнинг кўпчилиги коллежни битирган ёшлардан иборат. Бу йил ҳам «Усто-шогирд» тизими асосида 10 нафар коллеж ўқувчисига иш ўргатмоқдамиз. Насиб этса, улар ҳам ўқишни тамомлаб, сафимизни кенгайтиришади.

Мода соатига ўзгараётган бугунги даврда харидорни ушлаб туриш учун тинимсиз изланиш талаб этилади...

— Бу борада укам Ҳотамжоннинг билим ва истеъдодига таянамиз. У Чехияда айни шу йўналишда таҳсил олган. Ҳозирда 100 дан ортиқ дизайн туримиз мавжуд. Корхонанинг янги ускуналари Хитойдан келтирилиб, ўрнатилди. Харидорнинг истагига қараб, маҳсулотга ўзгартиришлар киритиб бериш ҳам мумкин. Маҳсулотимизга қўйган биринчи талабимиз — юқори сифатлилик. Оёқ кийим пишиқ, ихчам, қулай бўлиши керак. Кунига 100-150 жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга корхонанинг «АМИР» савдо белгиси остидаги маҳсулотларини вилоят ҳудудидаги тўртта, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Жиззах, Термиз, Қашқадарё, Бухоро, Денов ҳамда Қорақалпоғистон ҳудудидаги махсус дўконлардан топиш мумкин.

Фидокорлик билан қилинган меҳнат ҳеч қачон беиз кетмайди. «Истиқбол пойабзал савдо» кичик корхонаси ҳаётида ҳам бу ҳақиқат яна бир карра ўз тасдиғини топди. Турли йилларда «Ташаббус» республика танловида тақдирланиши ҳам шу меҳнатларга муносиб баҳо: танловнинг вилоят босқичида 1-даражали дипломга сазовор бўлди, «Энг яхши солиқ тўловчи» номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди. Демакки, юк кўтарган, албатта, юзага чиқади. Зеро, эзгу мақсадни дилга туккан «АМИР» яратувчилари бунга юз карра муносиб.

* * *

***Сўзимиз сўнгида яна ўша мақолни эслагимиз келди: «Дўст бошга, душман оёққа қарайди». Келинг, душманларингиз ҳақидаги хаёлларни бир четга сурайлик-да, ўзингиз, янаям аниқроғи, беминнат хизматкорингиз — оёқларингизга эътибор қаратинг, балки мукофотлаш вақти келгандир. Ундай бўлса, расталардан «АМИР» савдо белгиси остидаги маҳсулотларни сўранг: танловингиздан хурсанд бўласиз.***

**Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири**

Ishonch
2012-yil 14-aprel № 46 (3083)



ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР



*Одамзот мавжуд экан, ҳаёт давом этаверади. Халқнинг асрлар давомида синашта урф-одатлари, миллий қадриятлар, тарбияшунослик тажрибаси аждодлар мероси сифатида янги авлодларга туганмас хазина янглиғ ўтаверади. Падари бузрукворим кимё ва биология фанлари муаллими Зариф Бекчанов (жойлари жаннатдан бўлсин) ўргатганларидек, йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ... Фақат ҳамма нарса бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб ўзгариб туради.*

*Отагинамни эсласам, ибратли сўзлари қулоқларим остида жаранглаб, нурли чеҳраси, меҳр-ла бунёд этган жаннатвор боғлари кўз олдимда намоён бўлади.*

# Отам эккан дарахтлар

## ОҚ ПЎСТИН ВА ЧИРОҚ

...Кимдир елкамдан қучди. Отамнинг шогирдлари:

— Отангиздаги зиёга чанқоқлик, маърифатпарварлик, дўстга садоқат, ёшларга мурувват дилимизни маёқдек ёритиб турарди. Устозга ҳавас қилиб, муаллимликни танлаганман, — дейди Гулчеҳра Каримова.

— Отангиз ишлаган биология хонасида мураббий бурчаги ташкил этганмиз. Бирор нарсани ташлаб юбормадик. Конспектларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатамиз. Сокин сўзлаб, болаларни жалб этиш санъатига ҳавас қилардик. Дарсларига қайта-қайта кирардик. Устоз гулларни хуш кўрарди. Мактаб у ўстирган гулларга бурканганди, — дейди Бибижон Тоирова.

— Одам мукаммалликка жамият орқали интилади. Жамият ҳам ўз навбатида инсон орқали мукаммаллашиб боради. Мен отангизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига, топган обрў-эътиборига қараб, шу хулосага келдим, — деди Гулчеҳра Ҳожиева.

Отамнинг шогирдлари — муаллимларнинг сўзлари гўё беғубор болалигимга қайтарди. Ўша ўтган азиз ва мукаррам кунлар, отагинам сиймоси бор бўй-басти билан кўз олдимда гавдаланди.

Тонг отмасдан уйғониб қолсам, отамнинг хонасида чироқ кўрардим. Елкасига оқ пўстин ташлаб мутолаа қилаётган бўларди. Кечки мактабда ҳам ишлагани боис баъзан оқшомлари кўришолмасдик... Тонг қоронғусида эса ҳар доимгидек хонасидан ёғду тушиб турарди. Бу одати канда бўлган кунни эслолмайман. Оқ пўстин, чироқ ва отам...

Унинг ўз соҳасига оид янгиликларни қайта-қайта ўқиши, керакли сўзларнинг тагига чизиши ва изланишларини кузатиб ҳавасим келар, тарих, география ва дунё воқеалари ҳақидаги мулоҳаза-ю мушоҳадаларини тинглаш жону дилим эди.

## ТАБИАТНИНГ ЁЗИ — ДАРДГА ДАВО

Отам тарихчи бўлмаса-да, тарихимизни яхши биларди. Ватан, туғилган гўша, ўзликни англаш, қадр туйғуси. Булар ҳар бир қалбда ўз шакл-шамойилига эга. Улар она сути-ю, ота меҳри билан томирларга ҳарорат бўлиб энади.

У яна бир парча ерга уруғ сочаётиб, бизни ёнига чорлар ва сабоқ берарди:

— Бу назвой — адабий тилда райҳон, буниси ҳилой — адабий тилда ялпиз, бу шувут. Улар қуритилиб, ёзин-қишин истеъмол қилинса, киши касал бўлмайди. Ёнғоқ одам миясига ўхшайди, демак, мияга қувват бўлади. Лавлаги жигарни тозалайди, чингарикчи (шакарқамиш) томирларга, жийда ичакларга фойдали. Бундан ташқари, жийда ернинг шўрини олади, шу билан бирга, ошқозон-ичак касалликларига ҳам шифодир. Уни истеъмол қилиб турган боланинг ичи кетмайди. Тут, анжири бор хонадон аъзолари шамоллашу камқонлик касаллиги нималигини билмайди. Бу халқимизнинг соғлом турмуш тарзига оид анъаналари.

Куй янграса, отам оҳангга мос тебраниб, бармоқлари билан гўё соз чалар, «Лазги»га бизни ўйнатиб завқланар, «бу рақс ҳузур берибгина қолмай, балки юрак мушакларини ҳам мустаҳкамлайди, пайларга туз йиғилишининг олдини олади», деб қўйгувчи эди.

Ёз кунлари сира эсимдан чиқмайди. Отам бизни уйимизга яқин жойдаги кўлга олиб борар ва сувда сузишни ўргатарди.

— Сузишни билиш — ҳаётий зарурат, — деб уқтирарди. — Мириқиб чўмилгач, қуёш нурида тоблансанглар, қишда шамолламайсанлар. Табиатнинг улуғворлиги, салобати ва гўзаллиги боис шашмақомлар яралган.

Оилада ўн бир фарзанд эдик. Ўн биримизнинг ўн бир қилиғимиз, ўн бир феълимиз бўлиши табиий. Болалик — бебошликда нелар кечмайди, дейсиз. Бироқ отамнинг бирор марта овозини баландлатгани ёки бирон ножўя сўз айтганини эслолмаймиз. Уйларимизни отам бошчилигида ўзимиз таъмирлардик. Бу борада унинг олдига тушадигани йўқ эди.

## ДУДУКЛАР

Хоразмнинг талай қишлоқларида Наврўз дарахтларни каллаклашдан бошланади. Бизнинг уйда ҳам одат шу эди. Отажоним эшик олдидаги тераксувутларни (тол) ҳар йили каллаклар, биз бу онларни орзиқиб кутардик. «Каллакланган дарахтлар тик, илдизи бақувват бўлиб ўсади», дерди отам.

Сувут новдаларининг соз ва текис жойидан танлаб, авайлаб пўстини ажратар ва қўлбола дудук ясарди. Айтишларича, Наврўз дудук чалиб қаршиланса, навосига самодан фаришталар тушармиш, шундан сўнг борлиқ янада яшариб, юртда эзгулик қанот ёзармиш.

## «СУВ ОТГИЧ»

Болалигимда Урганч шаҳрини тенг иккига бўлиб оққан Шовот каналининг ирмоғи — Қирғизёпдан (анҳор) сув ичардик. Кейинроқ ундан фойдаланиш тақиқлангач, икки маҳалла ҳудудига битта водопровод суви ўтказилди. У уйимиздан анча олисда бўлиб, ҳар куни елкамизга қалантар (обкаш)ни қўйиб, ўн-йигирма челак сув таширдик. Узоқлиги майли-ю, навбатда туриш жонга тегарди. Шундай кунларнинг бирида отам ҳовлимизда қудуқ қазишга тутинди. Техника келтириб, ерни чуқур кавлаттирди. Қудуқ битгач, тепасига водопровод ўрнатди. Отам сув отгичдан билиб фойдаланишни тайинлар, ҳуда-беҳудага уни ишлатавермаслик лозимлигини таъкидларди. Буни кўриб, онам:

— Ёш болани авайлагандек авайлайсиз, темир ҳам ёриларканми,— дерди.

— Қаттиқ совуқда ёрилади, қолаверса, сув покизалик, тўкин-сочинлик рамзи. Сув отгич бизгагина эмас, балки кўпчиликка ота-онамиздек бeминнат хизмат қилмоқда. Қизларимизнинг жонига оро кираяпти. Уни асрамай, нимани асрай...

Ўшанда отам дарвозани ярим тунда бекитар, тонг саҳарда очиб қўярди. Бутун маҳалла аҳли икки йил шу қудуқдан сув ичди. Учинчи йил бу жойларга ҳам сув қувурлари ўрнатилди.

— Ана, сув келди, сабр қилганимизда ортиқча чиқим бўлмасди, — деди онам.

— Жамилажон, кўп куйинаверма, ҳали бу кран кўп асқотади. Водопровод сувига микробларни йўқотиш мақсадида хлор қўшилади. Бизнинг сув отгичдан эса етти қат ер остидан сизиб чиқади. Сувни табиатнинг ўзи тозалаб беради.

Йиллар ўтди. Синглимга шаҳар чеккасидан уй қуриши учун ер берилди. Ҳали у жойларга водопровод ўтказилмаган, ариқ сувини эса ичиб бўлмасди. Ана шунда отамдан қолган водопровод ва услубга зарурат сезилди. Маҳалла шаклланиб, одамлар буткул кўчиб келгунга қадар «қўлбола водопровод» барчанинг корига яради.

## ЭККАНИ ЭЛНИКИ

Отамни сўнгги «тахта от»га миндирдилар. Онам тобут кўтарилишидан олдин «тутларга болта уринглар!» деди. Бу марҳум руҳини шод этиш, «эккани элники» дегани экан.

...Падари бузрукворим уй атрофини гир айлантириб бу тутларни ўз қўллари билан қадаганди. Ўшанда онам:

— Вой-бўй, шунча тутни нима қиласиз? — деб сўраганди.

— Вақт-соатим етиб, дунёдан ўтсам, бу тутлар бутун маҳалла аҳлига етади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар тут пишиғида яйрашади, балки мени эслашар ҳам...

Яна бир кун машинага бензин қуяётиб онамга тайинлади:

— Ҳударган отани олиб келаман, тутни соплатаман (яхши навга пайвандлаш). Тансиқроқ таом пишир, сандиғингдан битта кўйлак ол, қозоқига иккита нон ва ширинликлардан ҳам сол.

— Шунча узоқдан боғбон олиб келиш шартми, нариги маҳаллада борку?!..

— Ҳударган отанинг етти пушти боғбон ўтган. Ували-жували, фариштали одам. Қўли теккан нарса гуллайди. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор, ахир.

Соғиниб, киндик қон томган гўшага борсам, отам орзулаган манзаранинг гувоҳи бўламан. Азамат тутлар тагидан болалар аримайди. Ҳар бири бармоқдек мевалар қуёш ҳароратида болга энади. Қадрдон шаббода сочларимни силайди, отам эккан дарахтлар гўё дийдоримни олқишлаётгандек шовуллаб сокин тебранади.

— Амма! Аммажоним келдилар! — деган қийқириқ кўнглимни тоғдек юксалтиради. Отабек, Отажон деб ардоқланган жияним Зариф отам бўлиб истиқболимга пешвоз чиқади.

**Раъно ЗАРИПОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Олам ва Одам

## Собиқ вазир эътирози



ГФР собиқ адлия вазири Герта Дойблер-Гмелин мамлакат конституцион судига Европа Иттифоқида қабул қилинган янги бюджет тартиби шартномаси ҳамда Европа Барқарорлаштирув Механизми юзасидан шикоят хати топширишини эълон қилди. Унинг сўзларига қараганда, ушбу молиявий чора-тадбирлар бундестагнинг мамлакат миллий бюджетини тартибга солиш ҳуқуқини чеклайди.

Маълум бўлишича, шикоят хати тайёр ва у янги бюджет тартиби шартномаси ҳамда Европа Барқарорлаштирув Механизми имзоланганидан кейин судга юборилади. Дойблер-Гмелиннинг фикрича, еврохудудни қутқаришнинг мавжуд механизмлари демократия қонуниятларига мос келмайди.

Еврохудудни қутқариш фонди Европа Иттифоқи таркибидаги инқироз ҳолатида бўлган мамлакатларга кредит ажратиш учун жорий йилнинг июл ойида 700 миллиард евро маблағга эга бўлиши лозим. Дойблер-Гмелин ушбу вазиятни ҳам танқид қилмоқда. Унинг эътироз билдиришича, Европа Барқарорлаштирув Механизмининг ташкил этилиш шартларида ушбу маблағ мўлжалдагидан кам миқдорни ташкил қилган ҳолатда мамлакатларга ажратиладиган кредит миқдори қанча бўлиши аниқ кўрсатилмаган.

## Nokia инқироз ёқасидами?



Финляндиянинг мобил телефонлари ишлаб чиқарувчи Nokia корпорацияси акциялари Хельсинки биржасида ўтказилган савдо сессиясида 19 фоизга тушиб кетди. Компаниянинг 2012 йилнинг иккинчи чорагида мобил телефонларидан олинадиган фойдаси аввал тахмин қилинганидан анча кам бўлиши тўғрисидаги фикрлар бунга сабаб бўлган.

Компания эса акционерларга фойда миқдорининг камайиб кетишига қарши барча чоралар кўрилишини эълон қилди. Шунингдек, компания раҳбарияти «Lumia» модели сотувига жиддий эътибор қаратиш, ишлаб чиқаришдаги узилишлар кўрсаткичини пасайтиришни ваъда қилмоқда.

Аввалроқ Nokia телефонлари сотувида етакчи бўлиши кутилаётган «Lumia 900» моделида маълумот узатиш муаммоси мавжудлиги аниқланган эди. Маркетологларнинг фикрича, компания ушбу муаммони қийинчиликсиз бартараф этади. Аммо янги моделнинг дунё бозорида қандай қабул қилиниши ҳозирча номаълум.

## Дунё тижоратида мавҳумлик



2012 йилнинг охирига келиб дунёда савдо-сотиқ ҳажми фақатгина 3,7 фоизга ўсади, холос. Бу ҳақда Бутунжаҳон савдо ташкилотининг матбуот анжуманида хабар қилинмоқда. Айтиш мумкинки, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 5 фоизни ташкил этган эди.

Матбуот анжуманида айтилишича, 2008-2009 йиллардаги иқтисодий инқироздан кейин сезиларли муддат ўтган бўлса-да, дунё тижоратининг ижобий томонга кескин ўзгариши аввалгидай мавҳум бўлиб қолмоқда.

БСТ мутахассисларининг фикрича, жаҳон бозори ривожланган мамлакатлар эмас, ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига ўсади. Чунки ривожланган мамлакатларда экспорт миқдорининг ошиши икки фоиз, импорт эса 1,9 фоизни ташкил қилаётган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткичлар 5,6 ҳамда 6,2 фоизга етди.

БСТ ҳисоботида фақатгина 2012 йил тахминлари эмас, 2011 йил якунлари ҳам келтирилган. Унга кўра ўтган йилда импорт ва экспорт ҳажми бўйича Европа етакчилик қилган: бутунжаҳон экспортининг 37 фоизи, импортнинг 38 фоизи ушбу минтақа улушига тўғри келган.

**Интернет хабарлари асосида Васила УМАРАЛИЕВА тайёрлади**

ИИВ АКАДЕМИЯСИДА

**Ички ишлар вазирлиги Академиясида 10 мартдан 10 апрелга қадар академия ҳарбий далаполигонида касбий билим ва маҳоратини оширган 600 нафар профилактика инспекторига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.**

# Инспекторлар малака оширишди

Тантанали тадбирда Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов сўзга чиқиб, кейинги йилларда профилактика инспекторларининг аҳоли, маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, ходимларнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлигини оширишга эришилганини таъкидлади.

— Академия ҳузурида профилактика инспектори ўқув йиғинлари ташкил этилганлиги уларнинг билим ва амалий кўникмасини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти, — деди ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи У. Нарзуллаев. — Инспекторлар нафақат ҳуқуқий, касбий билимга, жисмоний ва жанговар тайёргарликка ҳам эга бўлиши зарур. Шу мақсадда ўқувлар маъруза, мунозара, амалий, шунингдек, жисмоний жанговар тайёргарлик машғулотлари шаклида тажрибали раҳбар ходимлар, академия профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилди. Ўқ отиш тайёргарлигини ўтказиш учун тир инспекторлар ихтиёрида бўлди.

Тадбир сўнгида топшириқларни вақтида ва сифатли бажарган, амалдаги қонун ва ИИВ меъёрий ҳужжатларини амалиётда тўғри қўллай олган 34 нафар инспектор Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Шаҳло БОБОЕВА,**
**ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори**

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ҲАМ

# МАҚОЛА ИЗИДАН...

***Газетанинг Наманган вилояти мухбири Дилдора Раҳмонова муаллифлигидаги «Аччиқ, лекин ҳақиқат! Дунё иморатларининг энг улуғи мактабдир, аммо...» сарлавҳали мақола Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан мутасадди ходимлар иштирокида жойида ўрганилди.***

Унда кўтарилган масалалар Косонсой туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2012 йил 28 мартдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилди.

Йиғилиш қарорига асосан 51-умумтаълим мактаби директори Ж.Шодмонов, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Олимжон Абдуллаевга ҳайфсан эълон қилинди. Мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари М.Худойбердиев вазифасидан озод қилинди.

Ҳақиқатан, 51-умумтаълим мактаби туман марказидан 25 км. олисдаги «Қорасув» ҚФЙга қарашли «Ифтихор» маҳалласида жойлашган. Мактабда 80 нафар 2-9-синф ўқувчиларига 14 нафар педагог ходим таълим-тарбия беради. 8 нафар ишчи хизмат қилади. Муқаддам дала шийпони бўлган, мослаштирилган 51-мактаб биноси «Ифтихор» маҳалласида истиқомат қилувчи 105 та хонадон фарзандларининг 14 км. узоқликда жойлашган 37-умумтаълим мактабига қатнаб ўқишида қийинчилик бўлгани сабабли ташкил этилган.

Қишки мавсумда иситиш печларининг бинони иситишда имконияти чекланганлиги ва ажратилган кўмирнинг сифатсизлиги натижасида синф хоналари етарли даражада иситилмаган.

Мавжуд ҳолат бўйича тегишли чоралар кўрилиб, синф хоналарига қўшимча иситиш печларини ўрнатиш режалаштирилди. Мақолада қайд этилган иккита ўқув биносидаги саккизта синф хонасида йиртилган ленонумлар ўқув йили тугаши билан 2012 йил 1 июнгача тўлиқ янгиланиши белгиланди.

Мактаб атрофи ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Ўқитувчилар хонаси таълим сифатига оид турли кўргазмалар, очиқ дарслар жадвали, ўқитувчиларнинг рейтинг ўринлари, турли дарс ишланмалари ва бошқа услубий қўлланмалар билан жиҳозланди. Синф хоналарини фан ўқитувчилари томонидан жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Маънавият хонаси Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, маънавиятга оид қўлланмалар, турли газеталар билан бойитилди. Мактабда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «Маънавият соатлари»ни ўтказиб бориш ташкиллаштирилди.

2010-2012 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитасида экспертизадан ўтказилган. Мактабда ўқувчилар кийинишига алоҳида эътибор қаратилди. Мақолада кўтарилган бошқа масалалар бўйича Косонсой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман ғазначилик ва молия бўлимлари, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Наманган шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими йиғилишида бўлимга қарашли 65-умумий ўрта таълим мактаби пештоқидаги ёзув масаласи кўриб чиқилди. Барча таълим муассасаларига тегишли топшириқ ва вазифалар берилди.

**Р. ДЕҲҚОНОВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси**



**«NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ**
**Сизларни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:**

Вилоят давлат мулки бошқармасининг 2012 йил 9 апрелдаги 14/ас-ер-сонли буйруғига асосан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан, умрбод эгалик қилиш учун, сотиш ҳуқуқисиз, якка тартибда уй-жой қуриш учун сатхи 0.04 га.дан иборат қуйидаги ер майдонлари:

1. Учқўрғон туман Қўғай ҚФЙ Исломобод МФЙ ҳудудидан 1-4-сонли 4 та,
2. Учқўрғон туман Қўғай ҚФЙ Намуна МФЙ ҳудудидан 1-сонли 1 та,
3. Учқўрғон шаҳар Дўстлик МФЙ ҳудудидан 1-сонли 1 та,
4. Учқўрғон туман Ҳамза ҚФЙ ҳудудидан 1-9-сонли 9 та,
5. Учқўрғон шаҳар Фарғона МФЙ ҳудудидан 1-2-сонли 2 та жами 17 та ер майдонлари ҳар бири 150 000 (Бир юз эллик минг) сўмдан бошланғич баҳода қўйилади.

Аукцион савдоси 2012 йил 14 май куни соат 11:00 да вилоят давлат мулки бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

Аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00дан 17:00га қадар Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва 2012 йил 11 май куни соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг 100 000 (Бир юз минг) сўм миқдорда закалат пулини «Namangan Rieltor Savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302162066, 20208000704949150001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

**паспорт нусхаси;**
**закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;**
**ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.**

Ушбу кунда сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 11:00да ўтказилади, мазкур савдода қатнашиш учун аризалар ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган харидорлар савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун муддатда олди-сотди шартномасини имзолашлари, 2 (икки) йил муддатда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини амалга оширишлари лозим.

Ер майдонлари билан боғлиқ сув, газ, электр энергияси билан таъминланганлиги, рельефи, алоқа воситалари, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, канализация, транспорт коммуникацияларига боғлиқ шартлар билан танишиш учун

**Қўшимча маълумот олиш манзили: «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ,** Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй (Вилоят давлат мулки бошқармаси биноси, 1-қават 15-хона), тел: 8 (369) 226-41-66, www.nrs.uz, e-mail: 1nrs@mail.ru

